Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 8 сентябрь, пайшанба № 139 (21.743). Сотувда эркин нархда

Фармон ва ижро

ЭЛ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Республика аҳолисига компенсация тўловлари жорий этиш тўғрисида»ги Фармонлари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар турмуш шароитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, жойларда мазкур Фармонлар ижроси борасидаги ишлар бошлаб юборилди.

● **АНДИЖОН.** Президентимизнинг кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Фармонида ҳам маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеига алоҳида аҳамият берилди.

— Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришида, ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал қилишда маҳаллаларнинг таъсири яққол сезилмоқда, — дейди вилоят марказидаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сайфиддин Турсунов.— Кам таъминланган оила билан бир маҳаллада истиқомат қиладиганлар, уларнинг аҳволидан доимо бохабар бўлиб юрган фаоллар, қўни-қўшнилар эндиликда бундай фуқароларга ёрдам пули бериш масаласини жойида ҳал қиладилар.

● **БУХОРО.** Президент Фармонларини, хусусан «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш борасида вилоятда зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин кўплаб ташкилот, идора, корхона, хўжалик ва муассасаларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари махсус ҳисоб варақаларига маблағ тушириши кўнгилдагидек эмас. Мазкур Фармоннинг ҳаётга татбиқ этила бошлаганига ҳафта — ўн кун бўлди. Лекин ҳозирга қадар вилоятда мавжуд 98 та маҳалла қўмиталаридан 35 таси, 103 та қўрғон ва қишлоқлардан атиги 54 таси махсус ҳисоб варақалари очган, холос. Айниқса, Бухоро шаҳри, Шофиркон, Пешку, Ғиждувон туманларида бу иш сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

● **ФАРҒОНА.** Вилоят меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Авазхон Маматхонов Президент Фармонларининг аҳамияти юксаклигини таъкидлади.

— Яқинда Америка Қўшма Штатларининг Атлант шаҳридаги менежерлик институтида ўқиб қайтдик,— дейди А. Маматхонов.— Қувонарлиси шундаки, Америка халқи, олимлари ҳам республикамиз аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида Президент Ислом Каримов, Ўзбекистон ҳукумати юритаётган сиёсатни юксак баҳоламоқда.

● **САМАРҚАНД.** Вилоятда эҳтиёжманд оилаларни муҳофазалаш ҳамда компенсация пули тўлаш тўғрисидаги Фармон ва қарор ижроси борасида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бунда барча ташкилот ва муассасалар фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, муҳтожларга ёрдам бериш борасида ўзига хос тажрибага эгамиз,— дейди Самарқанд шаҳар маҳаллалар қўмиталари ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Т. Худойқулов.— Хайрия, моддий ёрдам жамғармаларининг очилиши, молиявий мустақиллик янги-янги ишларга дебоча бўлиши муқаррар.

(ЎзА).

Қувасой шаҳридаги «Муён» жамоа хўжалигида барча ишлар меҳнат фахрийлари, кўпни кўрган отахонлар билан бамаслаҳат амалга оширилади. Ҳотамбой Ўктамов фашист босқинчиларига қарши бўлган урушда қатнашиб, душманни Берлингача қувиб борганлардан. Хўжаликдаги 23 нафар уруш қатнашчиси, 230 нафар меҳнат фахрийларига бош-қош бўлиб, хўжалик фахрийлар кенгашини бошқармоқда. Ҳотамбой ака бутун умрини ана шу хўжалик ривожига бағишлаганлардан бири. У бригада бошлиқлигидан совхоз директорлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Меҳнат фахрийси тез-тез ёшлар даврасида, хўжалик раҳбарлари ҳузурида бўлиб, ўз маслаҳатлари билан уларга ёрдам беради.

Суратда: «Муён» жамоа хўжалиги фахрийлар кенгаши раиси Ҳотамбой Ўктамов шу хўжалик бошқаруви раиси Шуҳратжон Дадабоев билан.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Мамлакатингизнинг давлат байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан менинг табригим ва самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига демократик ва фаровон давлатни барпо этишда янги-янги ютуқлар тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга чуқур эҳтиром билан,

Михал КОВАЧ,
Словакия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан менинг табрикларим ҳамда Сизга ва қардош ўзбек халқига эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистоннинг миллий байрами менга Мальта ҳукумати ва халқи номидан Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига саломлар ҳамда табриклар йўллашдек ажойиб имконият беради.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ, халқингизга эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Уго МИФСУД,
Мальта Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги кунининг уч йиллиги муносабати билан Кипр халқи ва ҳукумати номидан, шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларини самимий табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатлари янада кучаяди ва мустаҳкамланади, деб умид қиламан.

Главкос КЛИРИДИС,
Кипр Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноби олийлари,

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Сизни, Ўзбекистон халқини ва умуман тадбиркорлар доирасини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан самимий табриклайди. Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингизда янада равнақ топиши ва муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

Самимий ҳурмат билан,

Николас М. НИКАЗМЕРАД,
Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм,

Салом Сизга эй тарихи, халқи, замини гўзал, илму урфон булоғи, муҳаддис, муфассир, тиб, нужум, назм ижодкорлари — Ибн Сино, Навоий, Мирзо Улуғбекларни бағрига босган ва ғайрилар қўлида қуллик, жабр-зулм, қора кунларни бошидан кечириб, охир мурод-мақсадига эришган, озод Ўзбекистон!

Сизга йироқларда яшаб турган нури дийдаларингиз, хусусан, икки ҳарамайн шарафайнда она-Ватаннинг тинчлик-омонлигини, ҳур, эркин ҳаёт кечирмоғини тангридан тилаб, дуолар қилиб турган мухлисларингиздан самимий салом.

Таъзим, эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз.

Ўн икки юлдузни бағрига олиб, ҳилпираб турган ҳуррият нишонимиз — шараф-шавкатимиз, ноёзли байроғимизга салом. Бу ялов дунё тургунча абадул абад тикилган еридан тушмасин, илоё! Совуқ қўллар тегмасин унга, омийн.

Эй, Ўзбекистон халқининг ҳурлигини эълон этган, қора кун, қора зулм, қора қулликларни поймол этиб, халқини озодлик, тенглик, саодат соҳилига олиб чиққан Ислом Абдулғани ўғли Каримов ҳазратлари! Бугун уч ёшга тўлган озодлик, мустақиллик байрами муносабати билан Сизга Саудия Арабистонида яшаб турган муҳожир қардошларингиз номидан табрикларимизни чин юракдан йўллашдан бахтиёрмиз.

Ўтган йилларда бошингиздан кўп оғир кунлар ўтди, кўп хатарларга дуч келдингиз.

Тожикистон ва Ўзганда низо оловланиб, юртингизга алангаларини сочиб турган бир пайтда хатарли, кўп оғир фурсатларни азми матонат, саъйи ғайратингиз ила, ҳокимона ҳал этдингиз. Раҳмат Сизга.

Муҳтарам Президент жаноблари!

Халқ Сизни ўзига қонуний раҳбар этиб сайлаши билан ўзининг саодати, умри-дунёсидан Оллоҳ ва Расул ҳузурида жавобгарликдек шарафли масъулиятни Сизга ишониб топширди. Бу масъулиятни шараф билан адо этаётганингиздан беҳад хурсандмиз. Худудингизнинг энг чекка бурчагидаги бир бева ёки гўдак ҳолидан хабардор бўлмоқлик Сизнинг бурчингизга айланди. Ҳақ ҳамиша йўлдошингиз, раҳбарингиз, шиорингиз бўлсин, илоё! Оллоҳ Сизга, Сиз халқингизга меҳрибон бўлинг. Золимларга барҳам беринг. Мазлумларга мададкор бўлинг. Оллоҳ ёрингиз бўлсин.

Камоли эҳтиромлар ва таъзимлар ила Саудия Арабистонида яшовчи ватандошлар номидан:

Сафохон ЖАЛОЛХОН ТУРА ўғли, Мўминжон ва Олимжон ИСМОИЛЖОН ўғиллари, Мелибек ва Хуршидбек ТОШКАНДИЙЛАР, Абдулҳамид МАҲСУМ, Аҳмадали Тўлқин ТУРКИСТОНИЙ, Абдураҳмонхўжа, Тўрахон Саид ЖАЛОЛХОН ТУРА, Абдулқодирқори МАРҒИЛОНИЙ, Абдулҳакимқори, Аъзамжон ЖАЛОЛХОН ТУРА, Абдуллажон Исмоил АНДИЖОНИЙ.

Макка шаҳри.

МАТБУОТ МУСТАҚИЛЛИК ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида оммавий ахборот воситалари, матбаачилар ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Унда газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалар меҳнаткашлар ҳаётини тўлақонли акс эттириши, мустақиллигимизнинг моҳиятини чуқур очиб бериши, дабдаба, қуруқ ҳамду санолардан холи бўлиши зарурлиги қайд этилди. Танқидий мақолаларда атрофлича таҳлил ва камчиликларнинг сабаблари тўла очиб берилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, мажлисда таҳририятлар, матбаачилар ва матбуот тарқатувчилар халқимизни оммавий ахборот воситалари билан тўла таъминлаш учун кўраётган чора-тадбирлар, нашрларни муштарийларга етказиб беришга оид муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Пул алмаштириш пунктларининг фаолиятида катта нуқсонлар мавжудлиги ҳамда валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш ва ҳужжатлар билан расмийлаштиришнинг амалдаги қоидалари бузилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 7 сентябрдан бошлаб нақд хорижий валютани сотиб олиш ва жисмоний шахсларга сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш юзасидан «Ўзавиабанк» Ўзбекистон акционерлик-тижорат банкига берилган ижозатномани бекор қилди.

• ХИРМОНГА БАРАКА

ОЛТИНСОЙ КАРВОНЛАРИ

● **СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шу кунларда вилоят пахта қабул қилиш пунктларида «оқ олтин» карвонларини қабул қилиш маросимлари ўтказилаётир.**

Олтинсой туманининг Миршоди пахта қабул қилиш пунктига йиғилганлар ҳам ана шундай тадбирнинг гувоҳи бўлдилар. Туман ҳокими Т. Абдураҳмонов қабул пункти дарвозасидаги рамзий лентани кесаркан, 12 минг тонналик хирмонни барпо этиш учун терим суръатини оширишга даъват қилди. Сўзга чиққан пахтакорлар пахтанинг харид нархи оширилганлиги ва толанинг учдан бир қисми хўжаликлар ихтиёрида қолдирилишидан миннатдор эканликларини изҳор қилдилар.

Айни кунда Сурхондарё далаларида терим қизғин. Саноқли кунлардан сўнг пайкалларга «зангори кема»лар оралайди.

САРАЛАБ ТЕРИЛЯПТИ

● **НАВОИЙ (мухбиримиздан). Республикамиз иқтисодиёти манбаи бўлган «оқ олтин» карвонлари йўлга чиқди.**

125 минг тонналик пахта хирмони яратиш йўлида меҳнат қилаётган навоийликлар ҳам ҳосил ортилган карвонларни йўлга олиб чиқишди. Пахта карвонларига бағишланган тантаналар дастлаб вилоятнинг пешқадам Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида бўлиб ўтди. Айниқса, 31 минг тонналик юксак хирмон учун курашаётган Навбаҳор туманининг «Янгиқўрғон», «Қалқонота» пахта қабул қилиш пунктларида бўлиб ўтган пахта сайли карнай-сурнай садоларига уланиб кетди. Биринчи куниёқ хирмонга 400 тоннадан ортиқ олий навли хом ашё тўкилди. Айни пайтда вилоятда машина теримига ҳозирланиб, ғўзалар баргини сунъий тўктиришга киришилди. Тез орада пахта пайкаларига 2 мингта терим техникаси олиб чиқилади.

ҲОСИЛ МЎЛ

● **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН (мухбиримиздан). Қорақалпоғистон пахтакорлари бу йилги табиий қийинчиликларга қарамасдан пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар.**

Улар жами 317 минг тонналик хирмон уюш ниятидалар. Шундан 180 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинади. Етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиб-териб олиш ва қайта ишлашни яхши ташкил этиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жанубий туманларда пахта терими муддатидан анча илгари бошлаб юборилган.

Жумладан Тўрткўл туманида дастлабки пахта карвонлари йўлга чиқди. Шу муносабат билан пахта тозалаш заводида тантана бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков 50 минг тонналик улкан хирмон яратиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилаётган тўрткўллик пахтакорларни қувончли кун билан қизғин табриклади.

ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Агар Ҳамроқул ота Носиров ҳаёт бўлганларида 90 ёшга тўлган бўларди. Икки марта Меҳнат Қаҳрамони, собиқ «Москва» жамоа хўжалигига 45 йил раҳбарлик қилган отахоннинг 90 йиллик тўйи Жиззах туманидаги унинг номи билан аталувчи жамоа хўжалигида катта байрамга айланмоқда. Жиззах вилояти ҳокимлиги бу борада махсус қарор қабул қилди. Юбилейни ўтказиш фаолларидан бири, «Жиззах овози» рўзномаси бош муҳаррири Акрам Иномов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу санага атаб отанинг қилган меҳнатлари, ҳаётини акс эттирувчи Ҳамроқул Носиров музейи қайта тикланди. Музейни таъмирлашда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Мусаввир» фирмаси яқиндан ёрдам берди. Тошкентдаги Ойбек уй-музейи раҳбари Ўткир Нурмуҳамедов эзгу ишларга бош-қош бўлди. Музейни таъмирлаш учун 137 минг сўм маблағ сарфланди. Илгари жамоа хўжалиги ҳисобида бўлган музей вилоят ўлкашунослик музейи тасарруфига ўтказилди.

Т. ПАРДАБОЕВ.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Шу кунинг нафаси

• Қадрият

ТЕРМИЗИЙ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

● **СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Ҳимойиддин Шарофиддинов касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси, Сурхондарёда хайрли ташаббуслари билан элга танилган.**

Икки йил аввал касаба уюшмалари вилоят кенгаши Сурхондарёнинг сара ижодкорлари учун адиб Собир Термизий номидаги мукофот таъсис этган эди. Нуфузли мукофот Мустақиллик байрами муносабати билан эгаларига топширилмоқда. Бултур ҳайъат аъзолари ёзувчи М. Сафаров билан бахши Ш. Болтаевларга шу мукофотни топширишни лозим кўрганди.

Куни-кеча нишонланган истиқлол айёмида ҳам яна бир гуруҳ ижодкорлар шу мукофотга лойиқ кўрилди. Улар орасида таниқли ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳам бор.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

• Ҳамкорлик

МУРУНТОВДА ЯНА БИР ЗАВОД

● **НАВОИЙ (мухбиримиздан). Вилоятда турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўлланган қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда.**

Зарафшонда ҳозир Америка, Германия, Япония технологиясига эга бўлган «Агама», «Зарафшон» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Олтинтопарлар шаҳрида мустақиллик шарофати билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Американинг «Неймонд» компанияси ишбилармонлари таклифи билан Мурунтовда иккиламчи хом ашёдан маъдан ажратиб олиш заводи қурилиши бошлаб юборилди. Завод асосан чорак аср мобайнида олтин ажратиб олинган тоғ жинсларини қайта ишлаш ва такрор бойлик олиш имкониятини беради.

Айни пайтда Зарафшон — Неймонд — Америка ҳамкорлигининг рамзи бўлган олтин саралаш заводи қурилиши ҳам тезкорлик билан олиб бориляпти. Яқин фурсатда заводнинг 2—3-майдалаш цехлари қурилиши ниҳоясига етказилди. Зарур замонавий асбоб-ускуна ва технология океан ортидан келтириляпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

• Тижорат

«МАРМАР БОЗОР» ОБОДОНЛАШМОҚДА

● **САМАРҚАНД (мухбиримиздан). «Мармар бозор»нинг фойдаланишга топширилганига келаси йили 70 йил бўлади.**

Ҳозир бозорнинг қиёфаси ўзгариб кетган. Таъмирланишдан кейин савдо ўрни юз тадан 285 тага етказилди. 150 тоннали омборга эга. Муҳими, деҳқонларнинг бу ерга келиб савдо қилишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Олибсотарликнинг олдини олиш мақсадида хизмат бюроси жорий этилган. Қарийб 40 ўринли меҳмонхона ҳамиша гавжум. Бозор шаҳар марказида бўлишига қарамай нисбатан арзончилик.

— Барча ўзгаришларни маблағимиз ҳисобига амалга оширяпмиз, — дейди бозор директори Омон Мустафоев. — Қурилиш фирмаси тузганмиз. «Орион» фирмаси ёрдамида бозорнинг иккинчи навбатини қуряпмиз. Қўш қаватли янги бино 50 тоннали омборга ҳам эга бўлади.

Фармон ТОШЕВ.

• Оқибат

КЎНГИЛЛАРИ ТОҒ БЎЛДИ

● **ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Шаҳардаги шарқона услубда қурилган «Тойлоқ» чойхонасига ота-онасиз болалар йиғилишди.**

Истиқлол байрами муносабати билан уларга ош тортилди. Кийим-бош берилди. Ҳар бирига 150 сўмдан пул улашилди. Болаларнинг кўнгли ўксимаслиги, улар ҳамиша эътиборда эканлиги таъкидланди. Санъаткорлар ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят болалар жамғармаси, «Сўғдиёна» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан ташкил этилган бу тадбир болалар кўнглини тоғ қилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

• Ғаллачилик

«ЧОРВАДОР» МИРИШКОРЛАРИ

● **ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Чироқчи тумани хўжаликларида ғалла мустақиллиги учун кураш давом этмоқда.**

«Чорвадор» давлат хўжалиги чорвачиликка ихтисослашганига қарамай, бурноғи йили 8 минг гектарга ғалла экилган бўлса, ўтган йили кузда Оқработ, Ғозикент массивидан ва Қўнғиртов этакларидан 2800 гектар янги ер ўзлаштирилиб, арпа-буғдойнинг ҳар гектаридан 12-13 центнердан ҳосил олинди. Бошқа ердан 17 центнергача ҳосил кўтарилди. Хўжалик раҳбари Жуман Абдуллаевнинг айтишича, келгуси йили ғалла майдони янги ер очиш ҳисобига 15 минг гектарга етказилар экан.

Ғози РАҲМОН.

ПАРТИЯ АЖБОРОТИ

ТАШКИЛОТЧИЛИК САМАРАСИ

Навбаҳор туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шу кун талаби даражасида олиб бориляпти. Айниқса, хўжаликда аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш намунали йўлга қўйилган. Қисқа вақт мобайнида хўжалик қишлоқларига 30 километр масофага газ қувурлари тортилиб, 180 дан ортиқ хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Шунингдек, «Дамхўжа—Навоий» қувурли сув йўлидан тоза ичимлик сув келтириш чора-тадбирлари ҳам кўрилляпти.

Бундан ташқари, хўжаликда ёшларга муқим меҳнат жойлари яратиб бериш тадбирлари ҳам диққат-эътиборда. Бунга мисол қилиб, гилам тўқиш, кигиз босиш кичик корхоналарини, қандолатчилик цехини кўрсатиш мумкин. Тегирмон, мойжувоз, новвойхоналар ҳам ишлаб турибди. Бу сингари ҳайрли ишларнинг айтарли ҳаммасига хўжалик бошлиғич партия ташкилоти бошқош. Биргина хўжалик бошқаруви раиси, ЎзХДП аъзоси А. Файзиевнинг хатти-ҳаракати билан кейинги икки йилда бир қатор янгиликлар амалга оширилди. Айниқса, пудрат ва ижара тизимини йўлга қўйиш, деҳқон-фермер хўжаликларига кенг йўл очиб бериш янада ривожлантирилди.

Қишлоқларни ободонлаштириш, кичик ва хусусий корхоналарни кўпайтириш каби ибратли ишларда ҳам партия аъзолари жонбозлик кўрсатишяпти. Масалан, хўжалик бошқаруви раиси муовини, ЎзХДП аъзоси, Б. Раҳматов қишлоқларни газлаштириш билан машғул.

Хуллас, бошлағич партия ташкилотига уюшган 105 нафар партия аъзоси ҳамма ишда ташкилотчилик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатишяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҳаётидан

ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИЛАДИ

Ҳозирги кунда иқтисодни кўтариш, мамлакатимиз обрўсини оширишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси алоҳида ўрин эгаллайди. Юртимизда амалга оширилаётган барча ишлар ва режалар партиямизнинг Дастури, Низомига жуда мос. Шу боис партия ташкилотларида Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат тўла маъқулланяпти. Буларнинг ҳаммаси партиядошларимизнинг Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончи мустаҳкамлигидан далолатдир. Ана шуларни ўйлаганингда қувонасан киши.

Мени бир нарса кўп ўйлантиради. Яқинда хизмат юзасидан вилоятдаги ташкилотлардан бирининг раҳбари қўнғироқ қилиб қолди. Ўша пайтда бизнинг идорада партия йиғилиши ўтказилаётганди. Мен унга «Кечирасиз, кейин қўнғироқ қиламан, ҳозир партия йиғилиши кетяпти»,— дедим. У эса «Партия аллақачон йўқ бўлганку, яна нима қиляпсизлар», — деб жавоб қайтарди. Унинг бу сўзлари менга жуда оғир ботди. Биргина бизнинг ташкилотимиздаги 112 кишидан 21 нафари ХДП аъзоси, беш кишидан иборат ишчи кенгаши ишлаб турибди. Ҳар бир партия аъзосига аниқ топшириқлар берилган. Уларнинг ижроси қаттиқ назорат қилиб борилади. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳайрихоҳ кишилардан тўрт киши сафимизга келиб қўшилди. Масъул ходимларнинг асосий қисми ХДП аъзолари.

Долзарб масалаларга бағишланган йиғилишлар ўтказиб турилади. Бошлағич партия ташкилотининг ҳар бир чоракдаги иши, берилган топшириқларнинг бажарилиши назорат остига олинган. Буларнинг ҳаммаси ташкилотимиз обрўсини оширишга хизмат қиляпти. Катта-кичик тадбирлар, хайрли ҳаракатлар, кечалар ташкил қилишда ҳам бошлағич ташкилотимиз бош-қош.

Айримлар партия сафи дуч келган кишилар билан ўстириляпти экан-да, деб ўйлашлари мумкин. Асло ундай эмас. Аксинча, талаб қаттиқ. Яқинда нохуш бир воқеа юз берди. Ташкилотимизда узоқ йиллардан бери ишлаётган бир кишини меҳнат интизомини мунтазам бузганлиги учун партиядан ўчиришга мажбур бўлдик. Бунгача ҳам бир неча маротаба берилган насиҳатлар, танбеҳлар унга кор қилмади.

Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида: «Камчилик ва нуқсонларга ўзимиз холис баҳо бермасак, уларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмасак, кейинчалик «касалнинг иситмаси» ошкор этиб қўяди», деб жуда ўринли уқтириб ўтгандилар. Тарихга мурожаат қилсак, Амир Темур даврида ҳам қаттиқ интизомга, адолат ва қонунга катта эътибор берилган.

Обрў мисқоллаб йиғилади. Ўзбекстон ХДП омма орасида ўз обрўсига эга. Менимча, бундан буён ҳам партия ташкилотлари интизомни мустаҳкамлаш ва топшириқларнинг бажарилишига эътиборни кучайтириб бораверишги керак. Тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозим.

Бизнингча, ҳар бир партия котибини ва ишчи кенгаши аъзоларини аттестациядан ўтказиш, улар зиммасидаги масъулиятни кучайтирмоқ даркор.

Яна бир истагимиз шуки, юқори партия органлари ходимлари бошлағич партия ташкилотларида тез-тез бўлиб туришлари, уларнинг фаолиятини, ютуқ ва камчиликлари, муаммоларини ўрганиб боришлари зарур.

Хуллас, эзгу мақсадимиз — юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш. Бунда ЎзХДП муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Юсуфжон РАЖАББОЕВ,
Наманган вилояти янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш хўжаликлараро корхонаси бошлағич партия ташкилоти котиби.





Айни кунларда Касби тумани боғ-роғларида етиштирилган ноз-неъматларни йиғиб-териб олиш авжида. Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги полизчилари, боғбонлари, сабзавоткорлари ғайрат камарини белга боғлаб меҳнат қилишаётир.

Суратларда: 1. Хушвақт Қораев бошлиқ полизчилик бригадаси аъзоси Дилфуза Худойберганова. 2. Онлавий пудрат бригадаси бошлиғи Эркиной Отамуродова. 3. Илғор боғбон Шуҳрат Очилов.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

• Соғлом авлод учун

ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Мустақил мамлакатимизнинг эртанги куни, келажаги кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлодининг соғлом бўлиши, оналик ва болаликнинг қай даражада муҳофаза этилишига боғлиқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олот тумани кенгаши бу борада ўз нуқтаи назари ҳамда фаолиятининг муҳим йўналишига эга.

Олот Бухоро вилоятининг энг чекка, қум барханлари орасида жойлашган ва экологик жиҳатдан ноқулай шароит ҳукмронлик қилаётган туманларидан бири. Туманда 66 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аҳолининг катта қисмини оналар ва болалар ташкил этиши табиий. Улар соғлиғини муҳофаза этиш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, турмуш шароитининг талаб даражасида бўлишига эришиш ўз-ўзидан бўлмаяпти. Туман партия кенгаши бунда ҳокимлик, жамоат ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Ҳозирги кунда тумандаги «Амударё» жамоа хўжалиги партия ташкилоти хўжаликда ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик таътилини икки ойга узайтириш ташаббуси билан чиқди. Бу дегани ҳомиладор аёлларни 7 ойдан эмас, 5 ойдан ҳомиладорлик таътилига чиқариш. Ана шу икки ойлик ҳақни хўжалик ҳомиладор аёлга тўлайди. Ушбу ташаббус ХДП аъзолари — бошқарув раиси Саид Оқиев ва Рўзиқул Қўзиевлардан чиқди. Уни туман партия кенгаши маъқуллади.

— Соғлом авлод — келажагимиз,— дейди Рўзиқул Қўзиев.— Шу боис бу ишга эътиборсиз бўлиш ярамайди. Ҳамқишлоғимиз, халқ таълими ходими, ХДП аъзоси Маҳмуд Жўраевнинг «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлангани қувонарли ҳол. Аммо айрим муаммоларни кўриб туриб, унга эътибор бермаймиз. Масалан, ҳали 18 ёшга етмаган қизларнинг жазирамада чўлдан янтоқ чопишларини олайлик. Чўл жазирамаси уларнинг соғлиғига зарар етказмайди дейсизми? Ахир, улар келажакда она бўладиларку?! Бизнинг «Амударё» жамоа хўжалигида бунга барҳам берилган.

Янги авлод тарбияси, аввало, боғчадан бошланади. Шу боис туман партия кенгаши ўз аъзолари бўлган шу соҳа ходимлари масъулиятини оширишга эришяпти. 37 та болалар боғчаси ҳамиша назоратда. Қарийб 2700 нафар бола боғчага қатнайди. Аммо қишлоқ боғчаларида аҳвол оғирлиги кенгаш аъзоларини ташвишлантириб турибди. Баъзан таъминотда узилиш бўлса, баъзан боғча қурилиши тўхтаб қолади. Мактаблардаги муаммоларни айтмайсизми? 28 та умумий таълим мактабида бепул нонушта бериш ҳали ҳеч кимни қониқтирмайди.

Шунга қарамай, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ХДП аъзолари хайрли ишларга қўл уряптилар. Жумладан, Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Воҳидов аълочи ўқувчиларга стипендия бериш масаласини ўртага ташлади. Бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. «Зарафшон», Ф. Хўжаев номли жамоа хўжаликлари бошқарувининг қарори билан ўнлаб ўқувчиларга стипендия берилмоқда. Бу ташаббус асосида ҳозир «Амударё», А. Навоий номли, «Бухоро», «Шарқ юлдузи», «Олот» жамоа ва ижара хўжаликлари ўз ҳудудларидаги мактабларнинг аълочи ўқувчиларини оталиқларига олишган.

Туманда соғлом авлодни вояга етказишда хизмат қилувчи омиллардан яна бири қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам тезкорлик билан бажарилмоқда. Табиатни муҳофазалаш, атроф-муҳит озодалигига эришиш борасида ҳам кенгаш, унинг жойлардаги таянчлари, партия аъзолари жонкуярлик кўрсатяптилар. Хуллас, туман партия кенгаши фаолиятида соғлом авлод учун кураш муҳим ўрин тутаётгани бениҳоя ибратли.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХИТОЙ РАҲБАРИ УКРАИНАГА КЕЛДИ

● Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цземининг Россия Федерациясига сафари ниҳоясига етди ва у Президент Леонид Кучма таклифига кўра Украинага расмий ташриф билан келди.

Ташриф давомида бўладиган музокаралар чоғида Хитой ва Украина Республикалари ўртасида савдо-иқтисодий, ҳарбий-техник соҳаларда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик юзасидан фикрлашиб олинади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

● Ставрополь шаҳрида 6 сентябрь куни Шимолий Кавказда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш масаласи бўйича илмий-амалий конференция бошланди.

Анжуманда миллий-маданий уюшмалар вакиллари, олимлар, Америка Қўшма Штатларининг жамиятшуносларн иштирок этмоқда.

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

● Сочида Абхазия қочоқларини ўз юртига қайтариш бўйича тузилган тўрт томонлама комиссия йиғилиши давом этмоқда.

РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, комиссия иши самарали натижа бера бошлаган.

Йиғилишда Абхазияга қайтмоқчи бўлган қочоқлар ва турли миллат вакилларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмоқда.

ЕВРОПАДА ҚАРИЯЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

● Демографик портлаш натижасида Африка, Лотин Америкаси ва Осиё қитъалари аҳолисининг сони кескин ошиб бормоқда, Европада эса аксинча, аҳоли қаримоқда, дейилади Евростат агентлиги тарқатган маълумотларда.

Ўтган 8 йил давомида Европа аҳолиси орасида ёши 60 дан ошган кишилар сони 13,5 фоизга кўпайган. Лекин юксак унумли ишлаб чиқариш нафақахўрларни моддий таъминлаш имконини бермоқда.

НОЧОРЛИК ОЛДИ ОЛИНАДИ

● Колумбия Президенти Эрнесто Сампер Писано қитъа тадбиркорларининг 5-форумида сўзга чиқиб, Лотин Америкаси аҳолисининг 45 фоизи ўта ночор аҳволда яшаётганини айтди.

У аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун қитъа мамлакатларининг иқтисодини ривожлантириш, саноатга янги технологияларни кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Мазкур тадбирни ўтказаётган Колумбия Республикаси Лотин Америкасидаги энг иқтисодий барқарор давлатлардан биридир.

КЕСКИН НОРОЗИЛИК

● Куба Республикаси ташқи ишлар вазири Роберто Робайнанинг Гондурасга ташрифи ва унинг мазкур мамлакат раҳбарияти томонидан илиқ кутиб олиниши Сальвадор Президенти Армандо Кальдероннинг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Сальвадор Президенти айни пайтда Коста-Рика ва Панама ҳукуматлари ҳам Куба билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ниятида эканлигини, бу эса Марказий Америкадаги давлатлар ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаришини айтди.

ИЙЛЛИК НАШР БОСИЛИБ ЧИҚДИ

● Америка Қўшма Штатлари статистика бюросининг йиллик нашри босмадан чиқди.

Маълум бўлишича, АҚШдаги энг йирик шаҳар Нью-Йорк, аҳолиси энг тиғиз бўлган графлик эса Лос—Анжелес (Лос—Анжелес штатида) экан. Мамлакатдаги энг қадимий шаҳар— Буффало, энг серёғин шаҳар — Мобайл, энг қуруқчил шаҳар — Лас-Вегас деб топилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

АДОЛАТ ҚУДРАТИ

Мустақил Ўзбекистонимиз йил сайин қаддини ростламоқда. Ҳар сонияси ойларга, йилларга татийдиган шу ўтган давр мобайнида бир нарсага мутлоқ амин бўлдикки, Ватанимиз ўз мустақиллиқ одимларини шахдам босиб, жаҳон жамоатчилиги назарида ҳавас уйғотадиган кунларга етишмоқ учун, аввало, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ҳар бир фуқаро элим, юртим деб ёниб яшаши, фидокорона меҳнат қилиши, ватан, миллат, ғурур деган олий қадриятларни бирдамлик билан қўриқлаши, тинмай ижодий изланмоғи, яратмоғи, бир-бирига ғамхўр ва меҳр билан боқмоғи керак.

Шу билан бирга, тарих, жаҳон давлатчилиги тараққиёти манбаларидан маълумки, жамият тараққиётида шахснинг ўрни, роли ҳам муҳимдир. Элимизда «Минг қўшинга — бир бошчи» деган ган ҳам бор. Унинг замирида йўлбошчи, саркарда, қудратли, ишончли, дадил, жададнор ва ҳақиқий элпарвар, халқ учун жонкуяр бўлиши ётади.

Халқимиз мамлакат иқтисодий ва ижтимоий юксалишида Президентимиз Ислом Каримов ишлаб чиққан бешта асосий тамойилга асосланган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлади. Натижада жамиятда барқарорлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини сақлаган ҳолда, турмуш тарзини тубдан ўзгартириш имконини берадиган иқтисодий ислоҳот босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу жараён осон кечмаётганини аҳли фуқаро кўриб, сезиб, ҳис қилиб турибди. Уни қийинлаштираётган сабаблар ҳам маълум. Улар орасида энг хавфлиси ва умумқадриятларимизга раҳна солаётгани жиноятчилик муаммолари, айрим кимсаларнинг халқимиз иродаси акс этган қонунларни четлаб ўтишга қаратилган ҳаттиҳаракатларидир.

Маълумки, Конституцияда, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган ҳуқуқ ва ваколатлар асосида республика прокуратураси органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан бирга кенг жамоатчиликка таянган ҳолда, жиноятчиликнинг олдини олиш, қонунбузарликларни тугатишга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса мамлакат Президентининг бу борада бизга катта ваколатлар бериб, қўллаб-қувватлаши, шу билан бирга қатъий талаблар қўйиши натижасида ходимларимизда фидокорлик ва масъулият ҳисси ортиб бормоқда.

Мустақилликка эришган кўпгина давлатларда, шунингдек, қўшни мамлакатларда жиноятчилик «болалаб» ётган бир шароитда бизнинг республикамизда унинг ўсиши тўхтатилди. Энди эса кескин пасайишига эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган етти ойида умуман жиноятчилик 23,7 фоиз камайгани қайд этилди. Оғир турдаги жиноятлар эса 15,4 фоиз қисқарди. Жумладан, талончилик 14 фоиз, босқинчилик ҳужумлари 3[illegible] фоиз камайди. Ўғрилик, автомашиналарни ҳайдаб қочиш каби жиноятлар сони сезилари даражада пасайди. Илгари жиноят «қозонида қайнаган»лар, томонидан ҳамда гуруҳ бўлиб жиноятга қўл уриш ҳолларига бирмунча чек қўйилди. Энг муҳими, жиноят учун жазо муқаррарлигига эришила бошланди. Жиноятларнинг очилиши илгаригига нисбатан 10 фоиз ортди.

Айни пайтда, олдинда кўп қиррали, мураккаб ишлар турганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Жорий йилнинг ўтган даврида республикамизда фош этилиб, зарарсизлантирилган 186 та жиноий гуруҳ мингга яқин оғир жиноят содир этганининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Шу даврда 11 та жиноий тўда иши прокуратура томонидан тергови тугалланиб, судга берилди.

Хусусан, 1991—93 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятининг бир қанча туманлари ва Тошкент вилояти Бўка тумани ҳудудида тинч аҳолиқ қон қақшатиб 40 дан ортиқ оғир жиноят содир этган Барно Ахмедов бошлиқ уюшган жиноий тўданинг мудҳиш қилмишларига чек қўйилди. Ватан, миллат, ғурур каби инсоний туйғулардан йироқ 16 кишидан ортиқ жиноий кайфиятдаги бу кимсалар турли совуқ ва ўқотар қуроллар билан ўзларини «безаб», босқинчилик, талончилик, безорилик, ҳатто бир неча қотиллик, 27 дан ортиқ ўғрилик жиноятн содир этганлар. Такси ҳайдовчисини ўлдириб, машинасини портлатиб юборишгача борганлар.

Дарҳақиқат, жиноятчининг миллати ҳам, ватани ҳам, одамгарчилиги ҳам, инсонлик қиёфаси ҳам бўлмайди, деб бежиз айтишмайди. Борган сайин қутуриб кетаётган бу мурдалар тўдасида Ватан ва миллий мустақилликдан ғурурланиш ҳисси не қилсин? Мустақилликнинг дастлабки босқичидаги ташвишли даврда эл кифтига яна жабр юкини ортганлар, миллионлаб сўм маблағни жиноий йўл билан ўзлаштириб, ўзларини «қўлга тушмаслар» деб ҳисоблаб юрганлар, ваҳолонки, сиртдан қараганда уларнинг аксари 30—40 ёшлардаги оиласи, гўдак болалари, тайин иш жойлари бўлган одамлар, бошқалари эса илгари ҳам қонун билан «куч синашиб» кўрган, пешоналари деворга урилгандан сўнг ҳам тўғри йўлни тополмаган кимсалардир. Бу «мардумайдон»лар бирин-кетин қамоққа олингандан сўнг «изиллаб» йиғлашга, аюҳаннос тортиб айбларини бир-бирларига ағдаришга тушганини кўрсангиз эди! Уларни халқнинг қарғиши тутди. Ҳозир улар суддан адолат талаб қилмоқдалар. Адолат албатта бўлади. Фақат... қилмишларига яраша!

Еки 1992 йилгача Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳудудида турли қилмишлар содир этиб келган Турдиали Мирзаалиев Данғара тумани «Нодирабегим» чойхонасида қўним топиб, ўз атрофига ёшлардан иборат жиноий гуруҳ тўплаган. Бу ишга ҳатто ўз ўғли Нодирни ҳам жалб этган. Қонунни четлаб ўтишнинг машқини олган бу шахс давлат ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг ходимлари олдида ялтоқланиб, маълум даражада ишончга ҳам кириб улгурган ва разил мақсадларига эрк бериб, тез орада 20 дан ортиқ оғир, ваҳшиёна ва зўравонлик жиноятлари содир этган. Булар ичида асосан ўлдириш билан қўрқитиш, жисмоний куч ишлатиш — уриш, тепкилаш, инсонликни паймол этиш йўли билан мулкка эгалик қилиш, одамларни қўрқувда тутиб туриш орқали итоаткор қилиб қўйиш, талаш, босқинчилик қилиш, қирқма ўқотар қуроллар ва тўппончалар, ҳатто қилич билан очиқчасига ҳужумлар уюштириш, одамларнинг мулки, пули, уйи, автомобилларини тортиб олиш, ўзларича «тергов — разбор» юритиб, сўроқ қилиш, қамаб қўйиш каби усулларни қўллаган. Улар 16 та фуқарога оғир тан жароҳати етказган.

Республикада Президентимиз ташаббуси билан жиноятчиликка қарши қатъият билан бошланган кураш дастлабки самараларини бераётир. Маъмурий идоралар ходимлари Турдиали Мирзаалиев тўдасини навбатдаги қонли жиноятлари устида қўлга олди. Улардан 20 миллион сўмдан ортиқ пул ва турли буюмлар, ўқотар ва совуқ қуроллар, жиноятлари, ни фош этувчи далилий ашёлар тортиб олинди. Рад этиб бўлмас далиллар олдида лол қолган «қўрбоши» — Турдиали Мирзаалиев қамоқхонада ўз жонига қасд қилишдан ўзга чора тополмади. «Дадахўжа»ларидан ажралиб қолган жиноий гуруҳ аъзолари эса судга рўбару этилди. Асосан 25-30 яшар йигитлардан иборат бу тўда ўзларини «мафиямиз», «ўлмаймиз» деб ғўдайишларини ёддан чиқариб, суддан адолат сўрашга тушиб кетдилар. Суд адолат қилди: «Қўрбоши»нинг ўғли Нодир Мирзаалиев 13 йилга, Равшан Кимсанбоев 15 йилга, Дилшод Абдуллаев 12 йилга, Баҳодир Меҳмонов, Холдорали Абдураззоқов, Илёс Матбобоев 10-11 йилга, қолганлари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Бу ва уларга ўхшаш «мафия шоҳсупа»сини кўзлаганларнинг бундай қисматини ҳеч ким ҳавас қилмаса керак?!

Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг эркин нафас олиб, озод яратувчилик меҳнати билан шуғулланиш бахтига эришгани мағзини чақиб, эл-халқ ёнида туриш ўрнига тиш-тирноғигача қуролланиб, шахсий манфаат йўлида «ўз қаҳрамонлик»ларини намойиш қилишга тушиб кетган, билак кучи ва ғайратини эзгуликка эмас, бузғунчилик, қон тўкиш, одамлар устидан «тажриба»лар ўтказишга сарфлаётган, яна бир томир отган жиноятчилар тўдасига нисбатан тергов ниҳоясига етказилди. Йиллар давомида ўз атрофларига бир неча ўнлаб «жангари»ларни тўплаб, совуқ ва ўқотар қуроллар билан шайланиб босқинчилик, талончилик, қотилликни ўзларига касб қилиб олган бу тўдада А. Иброҳимов, Н. Қосимов бошчилигидаги гуруҳ «фаолият» кўрсатган. Эл дарди, халқ ташвиши, ватан ва миллат мақсадларидан йироқ бўлган бу кимсалар навбатдаги жиноий «йиғин»ларни ўтказиш учун Тошкент вилоятининг «Дендрапарк» чойхонасида учрашиб, қутуриб, ўзаро «жанг»га киришиб, 5 одамнинг жонига зомин бўлиб, 2 та шахс соғлиғига зарар етказганларидан сўнг тез орада қўлга олиндилар. Бу «ўзларича бек»ларнинг жиноий шериклари аниқланди, миллионлаб ҳаром йўл билан тўплаган маблағ ва буюмлари, қурол-яроғлари тортиб олинди. «Сомонхона»гача бўлган йўлда содир этган барча мудҳиш қилмишлари фош этилди. Қонун бундайлар билан муроса қила олмайди. Халқнинг қарғиши, жабрдийдаларнинг ноҳақ тўкилган қони, кўз ёшлари тутди уларни!

Давлатлар, халқлар фароғатига соя солиб келадиган яна бир ҳолат — порахўрлик деган иллат мавжуд. Сир эмас, жамият бу нопокликдан кўп жабр тортмоқда.

Прокуратура органлари бу иллатга қарши ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда кескин кураш олиб бормоқда. Жорий йилнинг фақат ўтган 7 ойи мобайнида 160 дан ортиқ ана шундай «беш панжасини оғзига тиққан»лар фош этилиб, қонун билан «ҳисоблашишлари»га тўғри келди. Уларнинг кўпчилиги оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка ошкор айтилди. Нукус шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи М. Хожаназаров 100 минг сўм пора олиб 8 йилга қамалди. Термизда Р. Абдурахмонов, С. Анисеев, Тошкентда И. Топилдиев, Фарғонада Ф. Мадияров деган кимсалар — давлат солиғини шахсий манфаатига йўналтирган порахўрлар ҳозир панжара ортида «умргузаронлик» қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, истиқлолимиз шарофати туфайли халқимизга жаҳонга эркин чиқиш, оламни таниш ҳамда ўзини танитиш имкони берилди. Аммо, давлат манфаатини, одил сиёсатни қўриқлашга мутасадди қилинган айрим шахслар бу эркни нопок қўллари билан булғашга уринмоқда. Солиқ ва божхона ходимларидан ана шундай 14 та «масъул» шахс пора билан қўлга тушди. Улар жиноий жазога тортилди. Республикага кириш-чиқишни назорат қилувчи бошқармага қарашли раҳбарлардан бири — Тўлқин Нормуҳамедов чет эл сафарига жўновчилардан «шахсий бож» йиғишни ўзига касб қилиб олганлардан бўлиб чиқди. Бу нафси бузуқ кимса Н. Муродов, А. Равшанов билан жиноий алоқада бўлиб, баъзан шахсан ўзи сафарга ҳавас билан чоғланган ёҳуд саёҳат таассуротлари билан қайтаётган ўнлаб фуқароларни қон қақшатиб, улардан турли баҳоналарни рўкач қилиб пора олиб юрган. Ҳозир Т. Нормуҳамедов шериклари билан мўлтираб, «ёнган ўтга солган нафсин» қарғаб ўтирибди.

Ашаддий порахўрлардан яна бири «Ўзпаррандасаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси ўриндиғига тасодифан ўтириб қолган Ислом Худойқулов деган кимсадир. У мансабни суиистеъмол қилиш, шахсий маишати учун муҳит ҳозирлаш, чет элнинг ялтироқ машиналарига эга бўлиш, сохта ҳужжатлар орқали ишониб топширилган маблағларни миллионлаб ўмариш, талонтарожга йўл қўйишдан ташқари, ўз қўли остидаги хўжалик раҳбарлари ва мансабдор шахслардан мунтазам пора олиш билан машғул бўлган. Унинг олган поралари орасида «Волга» енгил автомашинасигача бор. Тергов, қолаверса, қонуннинг адолатли тиғи бундай нафси бедаволарни «даволайди» энди.

Яқинда республика Олий суди жамоатчилик орасида катта шов-шувга сабаб бўлган С. Қўқонов ва унинг шериклари устидан ҳукм эълон қилди. Машҳур юлғич ва порахўр С. Қўқонов 20 йилга кучайтирилган тартибдаги жазо ўташ жойига «йўлланма» олди. Шерикларидан А. Ўзбеков 7 йилга, Р. Анваров 6 йилга, Т. Муминов 10 йилга, У. Ғаффорбеков 8 йилга, И. Йўлчиев 10 йилга, бошқа ўнлаб жиноий тўда аъзолари узоқ муддатларга — қилмишларига яраша жазога тортилди. «Қилмиш-қидирмиш» деб бежиз айтмайди доно халқимиз...

Қонуннинг ўткир тиғига дуч келаётганлар орасида айрим имон ва диёнатини йўқотганлар учрамоқдаки, улар ҳақида жамоатчилик бохабар бўлмоғи керак. Бугун юртбошимиз, жамиятимиз, қонунларимиз, ҳар бир диёнатли одам ногиронлар, қариялар, кам таъминланган оилалар, кўп болали оналар, нафақага кўз тикиб ўтирганларга жони қайишиб, улар манфаатини ҳимоя қилаётган бир пайтда, адолатга хиёнат йўлини тутган Наманган вилояти Задарё туманипочта хизмати раҳбарлари Т. Жўраев ва М. Жакбаровлар қўлга олинди. Бу кимсалар нафақа пулини зориқиб кутаётганлар ҳақини турли «фирма»ларга бериб юбориб, судхўрликни авж олдирган экан. Қўлга туширилиб ҳибсга олинганларидан сўнггина яратгандан нажот сўраб ўтирибдилар. Бундай қилмишни Оллоҳ кечирармикан?!

Давлатимиз мустақиллик йўлидан дадил бораётган бир вақтда маънавий қиёфасини йўқотган, давр ва замин нафасидан йироқ айрим кимсалар шу имкониятдан ҳам фойдаланиб қолишга уринмоқда.

Республикамизнинг муҳим саноат корхоналаридан бири бўлган «Ўзбеккабель» бирлашмасига бош директор этиб тайинланган Т. Маҳкамов ана шундайлардан бўлиб чиқди. У бирлашма бош ҳисобчиси С. Гроссман, тижорат директори В. Зайцев, бош муҳандис В. Варкалист ҳамда бошқа раҳбар лавозимларида бўлган Ю. Атабеков, Н. Мостовой, С. Смирнов каби «қора юрак»лар билан ҳамкорликда талонтарож, суиистеъмолларни авжига чиқарган. Ҳатто Ватанимиз эҳтиёжи учун зарур бўлиб турган 6 минг тонна мисни ўзга давлатларга «пуллаб» юборишгача бориб етганлар. Ҳозир бу иш бўйича терговчиларимиз 13 кишини ҳибсга олди. Қолганлари қидирилмоқда. Улар виждонга, имонга, адолатга, ўз халқига, Ватани манфаатига беқиёс хиёнат қилдилар.

Давлат иқтисодиётининг негизи унинг мулки бўлиб, унга тажовуз этувчилар мустақиллик пойдеворига зарба берувчилар тарзида баҳоланади. Прокуратура органлари қонун кучига таянган ҳолда, бундай юлғич, иқтисодий қўпорувчиларни беаёв фош этиб жавобгарликка тортмоқда. Масалан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкентдаги «Дўстлик» меҳмонхонаси қошида жойлашган кассасида Л. Файзиева томонидан 41 миллион сўм купондан ортиқ миқдорда давлат маблағи ўмарилган. Авиакомпания мутасаддилари ва кассирларидан 6 тасига нисбатан жиноий иш қўзғатилди, тергов олиб борилмоқда. Яна шунчаси вазифасидан четлаштирилди. 8 та кассир маъмурий жавобгарликка тортилди, кўпчилиги бошқа, қуйи ишларга ўтказилди.

Анчагина томир ота бошлаган жиноий коррупция Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» бирлашмасида «очилиб» қолди. Бирлашма бош директори муовини Ш. Ғофирбеков ўз ходими билан жиноий йўлга кириб, нопок ишлари билан давлатга, корхонага, аҳоли манфаатига катта зарар етказган экан. Қибрай салқин ичимликлар комбинатида ҳам беҳисоб талон-тарож, суиистеъмолликлар фош этилди. Айбдорлар қонун олдида «ҳисоб» беришга мажбур этилди.

Хуллас, жиноятчиликка қарши кураш, айниқса унинг уюшган, томир отиб, коррупция даражасига яқинлашган турларини тугатиш, келажакда такрорланмаслиги учун адолат кураши жадал давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, жиноятчилар истиқлолимиз зараркунандалари, қонунчилигимиз, фаровон турмушимиз ва тўкин дастурхонимиз душманларидир. Шафқат қилиш — уларни рағбатлантириш деган гап. Ўйлайлмизки, жамиятимиз бундайлардан соқит бўлади, бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз адолатли жамият биносини барпо этишга хизмат қилади.

Рашид ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

• *Тадбиркорга омад ёр!*

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов шаҳар кенгашининг VII пленумида биринчи котиб Жаббор Иброҳимов тумандаги Шоқул Худойназаров номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг ишига ижобий баҳо берди. Аъзолик бадалларини йиғишдан тортиб то партия йиғилишларининг жонли ўтказилиши, партия аъзоларининг хўжаликда ҳал қилувчи кучга айланганлигини қувониб гапирди.

Хўжалик билан яқиндан танишган одам бу ерда нафақат партия ташкилотининг фаолияти, балки барча соҳанинг иши қувонарли натижалар билан якунланаётганлигига, хўжалик иқтисодининг йилдан-йилга юксалиб, ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлади. Бу ишларнинг асосий сабабчиси эса битта: хўжалик бошқаруви раисининг ишбилармонлигидадир.

Одамлар Номоз Худойназаровни кўпнинг бошини қовуштириш, элнинг ризқини яратиш йўлидаги хизматини қадрлайдилар.

У машҳур Шоқул Худойназаровнинг фарзанди. Шоқул бобонинг ким бўлганини тушунтириш учун бир ҳақиқатни айтса кифоя: у киши ана шу хўжаликка узлуксиз 37 йил раислик қилган. Демак, шунга муносиб инсон бўлган. Салкам қирқ йил бир мансабда ишлаш учун одамда кўп фазилатлар камол топган бўлмоғи керак.

Илгари хўжалик «Партия XXV съезди» деб юритиларди. Шу хўжаликни тиклашда Шоқул бобо кўп ғайрат кўрсатган. Буни одамлар яхши биларди. Шу боисдан ҳам тўқсонинчи йили хўжаликнинг номини ўзгартириш ҳақида топшириқ бўлганида умумий йиғилиш аъзолари бир овоздан собиқ раис, марҳум Шоқул бобо Худойназаровнинг номини қўйишди.

Орадан бир йил ўтгач навбатдаги йиғинда ҳосилот бўлиб ишлаб келаётган Шоқул бобонинг ўғли Номоз Худойназаровга ишонч билдирилди: у раисликка сайланди. Нега? Саксонинчи-тўқсонинчи йилларда хўжалик иқтисодиёти аста-секин ортга кета бошлаганди. Асосий соҳа — пахтачилик бўйича режа сурункасига бажарилмай қола берди. Даромаднинг мазаси қочди. Халқда оққан дарё оқмай қолмас, деган нақл бор. Худойназаровлар бунинг маъноси теранлигини яхши англашди. Шу боисдан ҳам шояд хўжаликнинг аввалги шуҳрати қайтиб келса деган умидда собиқ раиснинг фарзанди — Номоз Худойназаровни саркорликка олиб келишган.

Раис аввало партия фаолларининг ҳаракати, ташаббускорлиги, элга бош-қош бўлиб ишлашлари учун шароит яратиб берди. У хўжаликнинг бошқа фаоллари билан ҳам ана шундай эркин, дўстона муомала ўрнатди. Хўжаликнинг довруғи тиклана бошланди.

1993 йили пахта етиштириш бўйича йиллик режа 108,2 фоизга ошириб бажарилди. Ялпи хирмон 2190 тоннага етказилиб, ҳосилдорлик гектарига 33 центнердан тушди. Хўжаликнинг ўзида қолдириладиган тола 203 тонна чиқди. Бу тола ҳали сотилмасдан сақланмоқда, зотан бунга ҳали эҳтиёж сезилганича йўқ. Бугунги нарх билан ҳисоблаганда «Сурхон толаси» ассоциацияси хўжаликка шунча тола учун 1 миллиард 180 миллион сўм тўлашга тайёр.

Ўтган йили 143 гектарга ғалла экилган эди. Давлатга дон сотиш режаси 130 фоизга бажарилди. Мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш, қўйингки, деҳқончиликнинг ҳамма соҳалари бўйича хўжалик аъзолари эришган ютуқлар мақтанишга арзигулик. Жорий йилнинг илк ҳосили — пилла топшириш 108 фоизга ошириб бажарилди.

Хўжалик аҳли тўқсон тўртинчи йилни янада юқори кайфият, умид билан бошладилар. Айни кунларда ғалла ўрими тугалланди.

Бу йил ғалладан 300 миллион сўмга яқин даромад олиш мўлжалланмоқда. Ғалланинг салмоқли қисми аҳолига ҳам тарқатилади.

Ғалладан ташқари 150 гектар ерга чорва учун маккажўхори экилди. Қолган қисми жамоа аъзоларига ижарага бўлиб берилди.

Ўтган йили қишда хўжаликка ишбилармонлар келишди. Ерёнғоққа қувур алмаштиришни таклиф қилдилар. Бу йилги ҳосилдан мол айирбошлаш учун фойдаланишга аҳд қилдилар. Ҳосил бўлгандан кейин қувур топиш чўт эмас, шу тариқа хўжаликка табиий газ келтириш режалаштирилди.

Хўжаликда ғўзаларнинг ривожи яхши. Номоз аканинг айтишича, бу йил режадаги 2058 тонна ўрнига 2500 тонна пахта етиштиришга аҳд қилинган.

Хўжаликда 17 гектар сабзавот, 4 гектар маккажўхори, 7 гектар лавлаги, 78 гектар беда, 8 гектар шоли, 33 гектар боғ бор. 13 гектар ерга пиёз экилган. Раис бу ердан 200 тонна ҳосил оламиз, деб ишонтирди. Буларнинг бариси шу хўжаликда меҳнат қилаётган мингга яқин меҳнаткашнинг ризқ-рўзи. Раис қизиқ бир гапни айтди, агар етиштирилаётган маҳсулотнинг барчаси эркин нархда сотилса, ҳар бир хўжалик аъзоси миллион сўмдан ойлик олган бўлар эди, деди. Бу муддат эса йилдан-йилга яқинлашиб келяпти.

Дарвоқе, Худойназаров номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳозир ҳеч кимдан камчилик жойи йўқ. Топилаётган миллиардлаб сўм даромад шу элнинг рўзғорига ишлатилмоқда. Демак, оққан дарё оқаверади.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган вилояти. Таниқли шоир Эркин Воҳидов айтганидай «Қайда бўлса, бошида дўппини» бор ўзбегим омон бўлсин. Хоҳ Америкада юрадими, хоҳ Париж кўчаларидами — ўзбекни ҳамма дўпписидан танийди.

Бироқ дўппининг ҳам дўппидан фарқи бор. Халқимизда неча замонлар ўтибдики, Чуст дўппиларига қизиқиш катта. Бир неча асрки, чустлик чеварлар ҳунари авлоддан авлодга ўтиб сайқал топиб бормоқда. Улар ўз отабоболарининг касбини эҳтиром билан муносиб давом эттирмоқдалар.

Суратда: Чустнинг «Чевар» ҳиссадорлик жамияти чеварлари.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *Атама ва тушунчалар*

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

ДАВЛАТ ҚАРЗИ — давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, хориж мамлакатлардан қарзи. Ўз манбаига қараб ички ва ташқи давлат қарзига бўлинади. Давлат ўз харажатларини даромади билан қоплай олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомадини вақтинча қоплайди. Давлат заёмлар чиқариб, уларни аҳолига, корхоналар ва ташкилотларга сотади. Ташқи давлат қарзи давлатнинг хориж мамлакатларидан (халқаро молия-валюта ташкилотлари, ҳукумат ва марказий банклар, хусусий банклар) олган қарзининг умумий миқдори ва улар бўйича процент тўловларидан иборат. Капитал давлат қарзи (тўлаш муддати келмаган қарз) ва жорий қарзлар (тўлаш муддати шу ёки яқин бюджет йилида бошланадиган)га бўлинади.

ДАВЛАТ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАРИ — пул ресурсларини сафарбар қилиш, қарзларини жойлаштириш мақсадида давлат корхоналари, маҳаллий ҳокимият идоралари, марказий ҳукумат томонидан чиқариладиган облигация, хазина векселлари ва давлатнинг бошқа мажбуриятлари.

ДАСТМОЯ — (форс-тожикча — қўл ва маблағ) — майда савдо оборотида амал қилувчи айланма маблағ. Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган, фойда келтирадиган дастлабки асосий маблағ. Илгари косиблар қўлидаги оборот маблағ (хом ашё, материаллар олиш учун ишлатиладиган маблағ) ҳам дастмоя дейилган. Товар-пул муносабати кенгайиб, айрим косиб ва майда савдогарлар бойиб кетса, улар қўлидаги дастмоя йирик маблағ — сармояга айланади.

ДЕБЕТ-НОТА — олди-бердиси бор томонлардан бирининг иккинчисига маълум пул миқдорини талаб қилиб олишга ҳуқуқ берадиган ҳолат пайдо бўлгани учун унинг дебет ҳисобига шу пул миқдорини ёзиб қўйганлиги ҳақида юборган хабарномаси. Дебет-нота олган томон ўзида эътироз бўлмаса, пул тўлашга розилик сифатида кредит-нота юборади.

ДЕБИТОР — (лотинча қарздор) — корхона, ташкилот ёки маҳкамадан пул ёхуд мулк қарзи бўлган юридик ва жисмоний шахс. Қарз берган томон кредитор деб юритилади.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ — (лотинча олд қўшимча, бу ўринда пасаймоқ маъносида ва лотинча қиймат) — миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталарига нисбатан расмий тартибда давлат томонидан пасайтирилиши; мамлакат савдо ва тўлов балансининг нескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши; халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда юз беради. 1978 йилгача валюталарнинг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш орқали аниқланар эди. Девальвация илгари пул бирлиги таркибидаги олтин ҳиссасини камайтириш йўли билан амалга оширилган бўлса, энди халқаро келишувга мувофиқ барча қадри юқори валюталардаги олтин нисбатлари бекор қилинган-дан кейин пул бирлиги курсининг у ёки бу чет эл валютасига (одатда АҚШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва бошқалар) нисбати пасайтирилиши йўли билан амалга ошириладиган бўлди.

ДЕВИЗЛАР — чет эл валютасида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобда қўлланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари (вексель, чек, ўтказмалар ва бошқалар). Кенг маънода (аксарият қўлланадигани ҳам) чет эл валютасида ифодаланган жами тўлов воситалари, яъни ҳам тўлов ва кредит ҳужжатларини ҳам чет эл валютаси (банкноталар, қоғоз пул белгилари ва тангалар)ни ифодалайди.

ДЕКОРТ — немисча — муддатидан олдин пули тўланганлиқ учун товар баҳосидан олиб ташланган чегирма. Декорт чегирмаси келишувдагига қараганда товар сифати паст (ёки бошқа намунадаги товар) бўлса ҳам қўлланилади.

ДЕКУВЕР — (французча — қопланмаган) — суғурта қилинувчи мол-мулк баҳоси билан суғурта миқдори ўртасидаги, суғурта қилувчи хатари ҳисобига қолдириладиган фарқ.

ЛУҚМА

ИЛИНИБ ОЛИШНИНГ ЎЗИ ОМАД

Автобусда юрган яхшими ёки пиёда? Буни ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Бўз-Шаҳрихон оралиғида қатновчи йўловчиларга автобусда юриш маъқул. Чунки улар орасида ёш болалилар, ногиронлар, турмуш тақозоси билан сафарга чиққанлар ҳам бор. Автокорхона раҳбари Йўлдошбой Жумановни эса кимнинг нимада юриши қизиқтирмайди.

Негаки, автокорхона раҳбари енгил машинада юриб, йўловчиларнинг ташвиши билан мутлақо қизиқмай қўйди. Бўз туманидан, Навоий номли жамоа хўжалигидан, «Янги ҳаёт» қишлоғидан, «Янги турмуш» қишлоғидан Шаҳрихонга қатновчи автобуслар июнь, июль, август ойларида қатнов жадвалига амал қилмай қўйди. Автокорхона раҳбари шу йўналишда автобуслар ҳафталаб юрмаса ҳам пинагини бузмади.

Шундай қилиб, Андижон вилоятидаги 35-, 155-автокорхоналар машиналари қатнайдиган ҳудудларда автобусларга бир амаллаб ила-шиб олишнинг ўзи омад ҳисобланмоқда. 15—20 километр масофани яёв босишга ҳар кимнинг ҳам ҳоли келмайди. Бундан вилоят ҳокимиятининг транспортга мутасадди раҳбарлари хабардормикан? Ё Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар сессиясида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қониқарсиз, деган гапи Андижон автомобилчиларига ҳам тегишли эмасми?

Ҳасанбой РУСТАМОВ,
Андижон вилояти.

• *Ислоҳот одимлари*

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСГАНДА...

Раҳматли Ғани Бобоёров ҳақида эшитмаган-билмаган одам Қашқадарё воҳасида кам топилади. У киши жамоа хўжалиги илминг моҳир билимдони эди. Биргина шу таъриф билан кифоялансак, одамохун шаҳрисабзликлар биздан гина қилади. Ғани ака қурувчи эмасди, бироқ доҳий номидаги колхозни оёққа турғазиб, бой қилиб, шундай иморатлар қурдирган эдики, вилоятда илк бор қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш ёки қишлоқда шаҳар яратиш тажрибасининг муаллифи бўлиб ном қозонганди. Туғишган биродари эса Шаҳрисабз қурувчиларининг сардори бўлиб «яшил шаҳарда» дунё сайёҳларини лол қолдирадиган меъморий обидалар ёнида қатор қурилишлар бунёд этдики, бу бинолар Шаҳрисабз шукуҳини оламга кўз-кўз қилиб турибди. Ғани аканинг фарзандларидан бири Ғайратжон эса амакисининг қурувчилик касбини давом эттирди.

Шаҳрисабзнинг Чоршанба қўрғонидаги 557-кўчма қурилиш корхонаси бошлиғи Ғайратжон 1994 йил 21 январда ўз корхонаси қурувчилари розилиги ва аризаси билан «Сўғдиёна»ни агроқурилиш очиқ ҳиссадорлик уюшмасига айлантирди. Унинг дастлабки ютуғи шундаки, ўз қўл остидаги қурувчиларни янги иш усулининг фойдалилигига ишонтира олди. Корхонадаги мулк 360 миллион сўм-купон нархланганди. Биринчи тўлов бадали бўйича 180 млн-сўм купон тўланиб, мулк сотиб олинди. 280 кишининг ҳар бири 100 минг сўм-купон пул тўлаб битта-дан акция қоғозини сотиб олди, иккинчидан — Ғайратжон ўз корхонасида фойдаси-ённи яхши биладиган, ўз меҳнати қадрига етадиган малакали ишчилар билан тўлдирди. Уларни обдон эшитиб, керакли хулосалар чиқарадиган, ўз ҳукмини юрита оладиган, дарду ташвишини юқтира оладиган раҳбарга айланди.

Ҳозир унинг корхонаси Шаҳрисабзда эмас, қўшни туманларда ҳам буюртма асосида янги бинолар қуради ва қурилиш ашёларининг деярли барчасини ўз корхонасида тайёрлайди. Ғишт, оҳак, қум-шағал саралаш, бетон цехлари ҳар доим катта қувват билан ишлаб туради. Шу йилнинг август ойигача Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасида қўшимча бино, тамаки қуритиш ва вино цехлари, Улуғбек жамоа хўжалигида консерва заводи каби 20 дан зиёд объект қуриб, фойдаланишга топширилди. Корхона учун йирик муаммо — тахта, ёғоч эди. Ғайратжон тадбиркор йигитлардан ёнига олиб, Россиянинг Пермь вилояти Лысва шаҳрига бориб маҳсулотларни айирбошлаш мақсадида «Савдо уйи»ни очди. Бу ерга Шаҳрисабзнинг ширин-шакар меваларидан жўнатиш эвазига тахта-ёғоч ола бошлади. Деҳқончилик хўжаликларида қурган бинолари эвазига деҳқончилик маҳсулотлари олиб, «Савдо уйи»га жўнатди. Қурилиш ишларига арзон баҳога тушиши эвазига акциядорларнинг ҳар 10 минг сўмлик акциясига август ойигача 15 минг сўмни ташкил этди. Ўртача маош эса 300 сўмдан ошиб тушди.

Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Азим Зайниддинов Ғайратжоннинг «Сўғдиёна» корхонасида тайёрланаётган «мусулмон» миллий ғишт (юпқа тўрт-бурчак) шаҳардаги Мирзо Улуғбекнинг Кўкгумбаз масжиди ва Доруттиловот мажмуини таъмирлашда қўл келаётганини қувониб гапирди. Тарихий обидаларни таъмирлаш учун бундай чидамли ғишт шу пайтгача Хорезмдан келтирилар эди. Ғайратжон бу муаммони ўз вақтида ҳал этиб, боболар ёдгорлиги — обидалар дардига «малҳам» топди. Миллий ғишт ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Т. Бердиев, таъминотчи К. Турсунов, мухандис Б. Ёқубов, ғишт заводи ишчилари З. Тиловов, Х. Файзиев, Жавдот Едихоновлар корхона фахри. Ёрдамчи хўжаликдаги 10 гектар буғдойнинг, 100 та қўйнинг, 500 та товуқнинг, сув тегирмоннинг даромади корхонанинг 450 аъзоси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

Корхона бошлиғи Ғайрат Бобоёров камтар, ҳаммага бирдай, эрта-ю кеч ҳиссадорларнинг бой-бадавлат бўлиш йўлини қидиради. Унинг отаси, машҳур колхоз раиси раҳматли Ғани Бобоёровнинг иш тутишини кўрган кексалар эса от ўрнини той босганидан шукрона айтадилар.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

ЯНА БИР КОРХОНА

Бухоро туманидаги кичик корхоналар сафига яна бир ишлаб чиқариш корхонаси қўшилди.

Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги ҳудудида иш бошлаган «Ғайрат» кичик ишлаб чиқариш корхонасида бир йўла 31 киши иш билан таъминланди. Корхонада гилам тўқиш ҳамда тикувчилик цехи ишламоқда.

ЎЗЛАРИ ҚАЙТА ИШЛАШАДИ

Когон тумани хўжаликлари сутни энди Бухоро шаҳрига ташиш ташвишидан қутиладилар.

«Бухоро» жамоа хўжалиги ҳудудида сутни қайта ишлаш заводи ишга туширилгач шундай қулай имконият юзага келди. Янги заводда бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлаш мумкин.

Б. ТУРАЕВ.

• *Касбинг — фахринг*

ИШЧАНЛИККА ИШОРА

Тўрақул ака оддий одам. Лекин жудаям одми кишилардан эмас. Бу — ҳамкасбларининг баҳоси. Олтмиш ёшни қоралаб қўйибди-ю, йигитлардек тетик. Ихчам гавдаси, кулчадан келган ним табассум таратувчи ойдин чеҳраси, қуюқ қошлари тагида чақнаб турган кўзлари ярашиб тушган. Чаққон ҳаракатлари ғайрат-шижоатдан даракчи.

Лекин у... хўжакўрсинга иш қилишни ёқтирмайди. Яна алланималарни ҳам хуш кўрмайди. Бир юмуш топширилса, вақтида кўнгилдагидек адо этмагунча ҳаловат билмайди. Машинада юксиз йўл босишни беҳосият деб ҳисоблайди. Бошқалардан ҳам тугал иш қилишни талаб қилади. Борди-ю, ҳатто оиласидагилардан бирон киши енгил-елпи, қўл учида ишлаётганини кўриб қолса, пешонаси тиришади, тажанглиги тутади.

Гулистон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Тўрақул Бектемиров деганни ҳамма танийди. Қирқ беш йилдирки, хўжаликнинг кунига яраб турган баобрў ҳайдовчи. У бошқарган юк машинаси ҳамиша хизматга шай. Мотор дегани юракдек бетиним ишлайди. Эгаси вақтида мойлаб, «сизлаб» турадики, машина бошқаларникига ўхшаб тихирлик қилмайди. Шунинг учун ҳам узоқ вақт капитал таъмирсиз ҳам ишга ярайди.

Машина минувчи ҳамкасблари билан дилкаш суҳбат қуришни яхши кўради. Меҳнат фаолиятининг 45 йиллиги ва 60 ёшлик тўйини нишонлашга тараддуд бошланиши арафасида тенгқурларидан бири ҳазил аралаш: «Энди Тўрақул тажангнинг ошини ерканмизда!» деб қолди-ю. Бўлди кулги, кўтарилди қаҳқаҳа.

Жамоа хўжалиги бу тўйни нишонлаб юборди. Бироқ бой тажрибага эга бўлган моҳир ҳайдовчи ўз номига қўшиб айтиладиган «тажанг» иборасидан сира хафа бўлган эмас. Аксинча, буни мақтов деб билади, ғурурланиб юради. Негаки, бу сифат Тўрақул Бектемировнинг камчиликларга муросасизлиги, ҳақгўйлиги, режали иш тутиши, тартибни хуш кўришига мақтовли ишора.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

РЕСПУБЛИКА ҚЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 15 СЕНТЯБРДА НАВБАТДАГИ ҚИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ. САВДОГА ҚЎЙИДАГИ ИНШООТЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

I. ОМБОРХОНА

● Термиз шаҳрининг Муқимий кўчасидаги 53-бинода жойлашган. 84 кв. м. майдонга эга бўлган омборхона биноси уч қисмга бўлинган. Умумий ер майдони — 2 минг кв. м. Атрофи сим тўр билан ўралган. Эътиборга молик томони шундаки, омборхонада юк тушириш ва ортиш учун махсус майдонча бўлиб, темир йўл шоҳобчалари ўтказилган.

Бошланғич нархи — 204 минг сўм.

II. ДАЛА-ҲОВЛИ (ДАЧА)

● Термиз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Саловат» участкасидаги икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган дала-ҳовли уйи. Устки қисмига бетон плиталари ётқизилган. Ёнидан ариқ суви ўтади. Умумий майдони — 115 кв. м. турар жой майдони — 43 кв. м. Боғ-ҳовли яқинидан Сурхон дарёси оқиб ўтади. Ер майдони — 6 сотих. Атрофи сим тўр билан ўралган. Дала-ҳовли уй деворининг ташқи томони манзарали, яъни декоратив сувоқ қилинган. Ичимлик суви учун бурғиланган сув қудуғи бор. Дала-ҳовли Термиз тайёрагоҳи яқинида жойлашган. Сотувчи уни харид қилиб олган шахсга «ким ошди савдоси» ўтгач, бир ой муддат ичида дала-ҳовли пулини тўлаш шартини қўяди.

Бошланғич нархи — 250 минг сўм.

III. «ЁШЛИК» РЕСТОРАН-ЧОЙХОНАСИ

● Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» тайёрлов ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошқарувига қарашли туман марказида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Ёшлик» ресторан-чойхонаси. Қурилиш майдони — 150 кв. м., ҳовлиси — 360 кв. м. Қурилиши 1992 йилда бошланган, пойдевори қурилган. Автомобиль йўли ёқасида жойлашган.

Бошланғич нархи — 10 минг сўм.

IV. ДЎКОН

● Денов тумани Ш. Қобилов номли жамоа хўжалигининг Ўзгариш қишлоғида «Парвоз» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган қурилиши тугалланмаган дўкон. Қурилиш ишлари 1984 йилда бошланган. Бу дўкон аслида 1987 йили ишга тушиши керак эди. Бино икки хонадан иборат. Ички омборхона ва савдо залига мўлжалланиб қурила бошланган. Хоналар майдони — 72 кв. м. умумий майдони — 144 кв. м.

Бошланғич нархи — 1098 сўм 80 тийин.

V. ЧОЙХОНА

● Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигига қарашли 1-участкада жойлашган чойхона. Чойхонанинг умумий майдони — 180 кв. м. 1990 йилда қурилиб ишга туширилган. Иморат девори пишиқ ғиштдан, усти бетон плиталар билан ёпилган, шиферланган. Ташқи девори декоратив сувоқ қилинган.

Бошланғич нархи — 39 минг сўм.

VI. ОШХОНА ВА ЧОЙХОНА

● Сариосиё туманидаги Сариосиё қишлоғида жойлашган ошхона ва чойхона. Қурилиш ишлари 1993 йилда бошланган. Ер майдони — 2 минг кв. м., фойдаланиш майдони — 1200 кв. м. Чойхона 50 мижозга мўлжалланган. Қурилиш ишлари 100 фоиз бажарилган. Чойхона олдида ёнғиндан сақлаш ҳовузчаси ҳам бор. Иморат икки қаватдан иборат.

Бошланғич нархи —250 минг сўм.

VII. УНИВЕРСАЛ ДЎКОН

● Бойсун туманида жойлашган, қурилиши тугалланмаган иморат (объект). Қурилиш ишлари 1989 йилда бошланган. Фойдаланиш майдони — 850 кв. м. Қурилиш ишларининг 71 фоизи бажарилган.

Бошланғич нархи — 300 минг сўм.

VIII. ДЎКОН

● Жарқўрғон туманидаги Какайди қишлоғида жойлашган темир-конструкцияли дўкон. Автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Савдо салони 100 кв. м. Омборхона биноси эса — 50 кв. м. Дўкон электрлаштирилган, 0,15 сотих ер майдонига эга, атрофи ободонлаштирилган.

Бошланғич нархи — 60 минг сўм.

IX. ҲАММОМ

● Шеробод тумани марказидаги Б. Нозим кўчаси, 56-уйда жойлашган ҳаммом. Соатига 40 кишини қабул қилишга мўлжалланган. Дам олиш хоналари мавжуд. Табиий газ билан иситилади. 0,15 сотих ер майдони ва боғи бор.

Бошланғич нархи — 270 минг сўм.

X. ҲАММОМ

● Бойсун тумани «Сайроб» жамоа хўжалигидаги ҳаммом. 26 ўринга мўлжалланган бу иншоот 1987 йилда қурилган. Қурилиш майдони — 180 кв. м. Термиз — Тошкент магистрал йўли ёқасида, жамоа хўжалиги марказида жойлашган. Атрофи тош девор билан ўралган. Оилавий фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Бошланғич нархи — 27 минг 866 сўм.

XI. ҚУРИЛИШИ БИТМАГАН УЙ

● Бойсун тумани «Сайроб» жамоа хўжалиги «Тилло камар» қишлоғида жойлашган қурилиши битмаган 4 хонали уй. Ушбу иншоот Сайроб — Бойсун йўлида жойлашган. Тош девордан қурилган, усти шиферланган. Эшик-деразалари қўйилган. Девори сувоқ қилинган. Поли ва шифти бошланмаган.

Бошланғич нархи — 1360 сўм.

XII. «ОРОМ» ОШХОНА ВА ЧОЙХОНАСИ

● Узун тумани «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи ўртасида жойлашган. «Лаззат» умумий овқатланиш корхонасига қарашли «Ором» мажмуалашган ошхона ва чойхонаси. 1988 йилда ишга туширилган. Атрофида 2 қаватли меҳмонхона, тижорат дўкони ҳамда ёзги кинотеатр жойлашган.

Мажмуалашган ошхона ва чойхона жиҳозлари билан бирга 60 минг сўмга баҳоналанади.

XIII. ДЎКОНЛАР МАЖМУАСИ

● Жарқўрғон туманининг марказидаги деҳқон бозорида жойлашган мазкур савдо нуқталари мажмуаси 15 та дўкондан иборат. Туманнинг хўжалик ҳисобидаги «Коопзаготторг» бирлашмаси томонидан сотувга қўйилган.

Сотиш учун қуйидагилар таклиф этилаётир:

а) фойдали саҳни 6,3 кв. м. бўлган 3- ва 4-сонли дўконлар.

Ҳар бирининг дастлабки баҳоси — 24835 сўм.

б) фойдали саҳни 10,55 кв. м. бўлган 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12-, 13-, 14-, 15-сонли дўконлар.

Ҳар бирининг дастлабки баҳоси — 41619 сўм.

в) фойдали саҳни 22,2 кв. м. бўлган 17- ва 18-дўконлар.

Ҳар бирининг дастлабки баҳоси — 87579 сўм.

«Ким ошди» савдосида қатнашиш, иншоотларни сотиб олиш ва эгалик қилиш истаги бўлган кишилар 14 сентябрь кунига қадар ариза беришлари лозим. Аризалар эрталаб соат 9 дан 18 гача қабул қилинади, ҳужжатлар расмийлаштирилганда харидорлар ўзлари сотиб оладиган иншоотларнинг бошланғич нархидан 10 фоизини гаров пули сифатида тўлаб қўядилар.

Савдода қолибликни қўлга кирита олмаган шахсларга 10 фоиз гаров пули қайтариб берилади. Иншоотларнинг охирги сотиб олиш нархи 100 мингтача бўлганда харидорлар уни бир ой муддатда, юз мингдан ошганда эса низомга киритилган янги қўшимчаларга асосан бир йил ичида тўлашлари шарт.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 17-уй. Вилоят касаба уюшмаси кенгаши биносининг 3-қавати, 35-, 39-хоналар. Телефон: 3-00-25.

(3712) 68-17-55, 68-44-56.

• ВАТАНИМИЗ БЎЙ-БАСТИ

«СЎЗЛАЁТГАН» ОСОРИ-АТИҚАЛАР

Республикамиз мустақилликка эришгач Ўзбекистон археологияси «дунё» археология фани билан эркин мулоқот бошлади. Бир қанча хорижий ташкилотлар ва шахслар билан шартномалар тузилди. Жумладан, Франция, Олмония археология институтлари, Польшанинг Познань университети билан шартномалар асосида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходимлари шу давлатларда бўлиб, янги тадқиқот усуллари ва адабиётлар билан танишиб, малакаларини ошириб қайтишди. Икки олимимиз Олмонияга илмий сафарга отланди. Франциянинг кўзга кўринган археологлари Афроснёб ёдгорлигида, немис олимлари Сурхондарё вилоятида, поляк археологлари Навоий вилоятида, Санкт-Петербургдан келган олимлар эса Тошкент вилоятида ҳамкорликда илмий ишлар олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, АҚШ, Голландия ва бошқа хорижий давлатлардан тарихий ёдгорликларимизга қизиқиш ортиб, ишлаш мақсадида олимлар ташриф буюришмоқда.

Мустақилликка эришишдан олдин шу ишларни қилиб бўлармиди? Биз Москва нима деса шунга қуллуқ қилиб ўтирган эдик. Мустақиллик туфайли хорижий давлатлар билан шартномалар тузиб, бирга ишламоқдамиз. Улар билан ҳамкорликда ишлаш жараёнида яна шу нарса равшан бўлдики, Ўзбекистондаги археология мактаби ва унинг илмий салоҳияти жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътирофга сазовор. Кейинги йилларда Ўзбекистон археология фани дунё маданий тараққиётига катта ҳисса қўшяпти.

Қишлик жамиятининг барча босқичларида республикамиз археологларининг ютуқлари ҳамма соҳаларда яққол кўриниб турибди. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми даврини олсак. Республикамизда ибтидоий жамоа тузумининг дастлабки излари асримизнинг 30-йиллари охиридан ўрганила бошланди. Хусусан, бу даврда Сурхондарё вилоятидаги Тешик-тош ғоридан палеолит даврининг мустье босқичига оид меҳнат қуроллари ва неандерталь туридаги одам қолдиқларининг топилиши археология, тарих фанида катта воқеа сифатида қабул қилинди. Чунки, бу кашфиёт орқали Марказий Осиёда илк ибтидоий одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши 100.000 йил бурун бўлган деган хулосага келинган эди. Бу эса ҳудудимизда ибтидоий одам фаолияти ҳақидаги муаммони ўрганиш учун мустаҳкам тамал тошини қўйди. Ана шу ихтиродан роса 50 йил кейин Фарғона водийсининг Селунгур ғоридан яна бир ибтидоий одам суяклари ва меҳнат қуроллари топилди. Бу Марказий Осиёда одам пайдо бўлиши ва ривожланишини бир миллион йилга қадимийлаштирди. Ана шу археологик ихтиро шундан далолат берадики, Марказий Осиё биринчи одам пайдо бўлган ва ривожланган ҳудудлардан бири эканлигини исбот қилди ва дунё олимлари уни тан олди. Селунгур одами Хитой одами Синантропдан анча олдин ва Питекантроп одами билан бир вақтда пайдо бўлиб, ўзига хос меҳнат қуроллари билан қуролланган. Буни биз фанда фергантроп деб атамоқдамиз. Ҳозирги кунда республикамизда 50 дан ортиқ тош даврига оид манзилгоҳлар ўрганилган. Шулардан Селунгур, Кўлбулоқ, Обирахмат, Тешик-тош, Қўтирбулоқ каби ибтидоий манзилгоҳлар дунё адабиётидан ўрин олган тарихий дурдоналардир.

Бронза даврини ўрганишда республикамизнинг жанубий вилояти Сурхондарёда муҳим натижалар қўлга киритилди. Бу ерда Чуст, Тозабоғёб маданиятига нисбатан тараққиёти анча юксак бўлган яъни, қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари очилди. Бу маданиятнинг сифат даражаси Ўзбекистоннинг жанубий қисмини қадимги Шарқ цивилизациясининг асоси бўлган ёдгорликлар қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. Тураржой, маҳаллаларнинг аниқ равшан режа асосида қурилганлиги, мудофаа истеҳкомлари қурилишида анъанавий ва янги усуллар қўлланилганлиги мазкур маданиятнинг дастлаб очилган ёдгорлиги Сополлитепа учун жуда хосдир.

Сополлитепадан топилган моддий-маданий ашёлар бу ерда ҳунармандчиликнинг кулолчилик, металлургия, тўқимачилик, суяк, тош, ёғочга ишлов бериш каби соҳалари махсус эътиборда бўлиб, ривожланишнинг юқори чўққиларига кўтарилганлигидан дарак беради. Нодир топилмалардан ҳисобланган ипак газмолнинг ўзигина ҳунармандчиликнинг бу тури тарихини икки минг йилга қадимийлаштирди ва ипак тўқиш касбининг илк ватани ҳақида мунозаралар кўтарилишига сабаб бўлди. Шу даврга тааллуқли яна бир йирик маданият маскани — Жарқўтон ёдгорлиги ўзининг қўрғони, саройи, жамоанинг ибодатгоҳи, махсус ихтисослаштирилган ҳунармандчилик маҳаллалари, аҳолининг ижтимоий табақаларга бўлинганлигидан дарак берувчи некрополи билан пойтахт шаҳар бўлганлигини намойиш қилади.

Ўзбекистонда антик даври археологиясининг асосий ютуқлари қўлга киритилиб, натижада ҳудудимиз барча қадимий цивилизация ўчоқларининг ривожланишига қўшган маданий ҳиссаси аниқ бўлди. Ундан ташқари ўтроқ ҳаёт ва шаҳарларнинг ривожланиш босқичлари аниқланди, мудофаа ва меъморчилик ёдгорликлари очилиб ўрганилди, моддий маданият, ҳунармандчилик ашёвий маҳмуниннг хусусиятлари, хронологик ва маҳаллий аломатлари таҳлил этилди. Жаҳон тасвирий санъати дурдоналаридан ўрин олган монументал санъат ёдгорликлари ва шарқий Эрон тиллари туркумига оид Сўғд, Хораз, Бақтрия тилларида ёзилган манбалар қолдиқлари кашф қилинди.

Ўрта аср даврини ўрганиш учун институт илмий жамоатчилиги икки мавзу устида иш олиб бормоқда. 1. Шаҳар маданиятининг ривожланиш тарихи. 2. Ипак йўли — мулоқот йўли. Бу мавзуни бажаришда жумҳуриятимизнинг Чоч, Сўғд, Бақтрия, Фарғона воҳаларида катта илмий ишлар олиб борилмоқда. Натижада шаҳар тузилиши, савдо, ҳунармандчилик ва диний эътиқоднинг қандай ривожланганлиги янгича мушоҳада қилиняпти. Ўрта аср шаҳар тарихини ўрганишда унинг маркази бўлмиш Афросиёб, Ахсикент, Қува, Қанқа, Шоҳруҳия, Кавардон, Эски Термиз ва бошқа ёдгорликларда катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўрта аср ёдгорликларини ўрганиш Самарқанд, Бухоро, Ўрганч, Нахшаб, Термиз, Ахсикент, Тошкент каби шаҳарлар кўҳна Туроннинг йирик ҳунармандчилик, илмфан ва маданий марказларидан эканини исботлади. Институтимизнинг химия—технология тадқиқотлари ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш бўлими жаҳон фанида ҳали ҳал қилинмаган илмий муаммолар устида изчил иш олиб бормоқдалар. Қадимий деворий расмларни таъмирлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди ва амалда муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Масалан, Афросиёб саройидан топилган расмларни таъмирлаб Афросиёб музейига жойлаштирилди.

Деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, ривожи билан боғлиқ кўпдан-кўп осори атиқалар, шубҳасиз истиқлол йўлини тутган давлатимиз, халқимизнинг бебаҳо хазинаси, миллий бойлигимиздир. Археологларнинг тинимсиз меҳнати туфайли ҳозир қадимги Ўзбекистоннинг аҳолиси ҳақида кўплаб антропологик ашёлар йиғилган. Бу маълумотлар Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши, ирқи, этногенези каби муаммоларни ҳал этишда асосий ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда моддий маданият обидаларини топиб, қайд қилиш, уларни ўрганиш, имкони борича келажак авлод учун сақлаб қолиш археолог олимларнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда.

Ўткир ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

• Спорт

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● Кеча олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатида олтита учрашув бўлиб ўтди.

Чемпионатнинг ҳал қилувчи давраси бошлангандан бери жамоалар мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Учрашувлар орасидаги қисқа танаффус кунлари кечиктирилган ўйинлар ўтказилди. Хусусан, «Навруз» — «Трактор» (1:0), «Нефтчи» — «Чирчиқ» (6:1) учрашувларида майдон эгалари устун келишди. Ҳозир «Нефтчи» 33 очко билан олдинда бормоқда. «Нурафшон» 24 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Политотдел» ҳисобида 22 та очко бор.

«НЕФТЧИ»НИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

● Мухлислар қувончи бўлиб турган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Ўзбекистон чемпиони номига муносиб эканини яна бир бор намойиш этди.

Нефтчилар Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда ғалаба қозондилар. Улар кубокни қўлга киритиш учун Тошкентнинг армиячилар ўйингоҳида «Янгиер» жамоасини қабул қилишди. Ҳужумкорлик ва муросасиз баҳсга айланган учрашувнинг 37-минутида Равшан Бозоров ҳисобни очишга муваффақ бўлди. «Янгиер» футболчиларининг ҳисобни тенглаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Ўйин тугашидан бир неча минут илгари Сергей Завальнюк ҳисобни 2:0 га етказди. Шундай қилиб, «Нефтчи» Осиё кубок эгалари кубоги учун курашда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЁШЛАР АНГЛИЯДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

Ўзбекистон ва Буюк Британия давлатлари ўртасида ўрнатилган яхши дўстлик алоқалари туфайли икки ўртадаги муносабатлар яхши ривожланиб бормоқда. Англиядаги илмий ва олий таълим муассасаларига кўмаклашувчи кенгаш ташаббуси билан бу мамлакат ўқув масканларида таълим олиш иштиёқида бўлган ўзбек ёшлари ўртасида танлов ўтказилган эди. Унда қатнашган 150 дан ортиқ қобилиятли ёшлардан 14 йигит ва қиз шу мамлакатга бориб ўқиш шарафига муяссар бўлишди. Ғолиблар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг талабалари бор.

Куни кеча Англиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ўқишга жўнаб кетаётган ўзбек ёшлари билан учрашув ўтказилиб, уларга оқ йўл тиланди.

Шу муносабат билан Англиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Александр Пол Берн мухбиримизга қуйидагиларни билдирди:

— Ўзбек ёшлари Англиянинг Лондон, Кембриж, Нотенгем ва Манчестр сингари шаҳарларидаги университетларда таълим олишади. Кўмаклашувчи кенгаш бу ишлар учун 90 минг фунт-стерлинг маблағ сарфламоқда. Улуғ ўзбек олими Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Англиянинг йирик олимлари тантаналарга таклиф этилган. Илмий муассасалар олим таваллуди муносабати билан Улуғбек кашфиётлари ва шунга тааллуқли қадимий қўлёзма асарларидан микронусхаларни ўзбек олимларига тақдим этган. Бундан чорак аср муқаддам Алишер Навоий қўлёзма асарларига доир нусхаларни олиш учун ўзбек олими Ҳамид Сулаймоновга илтифот кўрсатилган эди.

Суратда: Англияга ўқишга бораётган ўзбек ёшларидан бир гуруҳи элчи А. П. Берн билан.

Абдулла ПЎЛАТОВ.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ сурати.

• Мулоҳаза

МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА...

Ватанимиз мустақиллиги ҳақида деярли ҳар куни сўз юритамиз. Кўнглимда бир истиҳола борки, бу муқаддас сўз такрорланавериб сийқаланмаса дейман. Шу боис мустақилликнинг ҳамма қирраларини ўзида мужассамлаштирган юртимиз камоли хусусида сўз кетганда мен бундан 20 йиллар муқаддам кечган ҳаётимни ёдга оламан. 1972 йилдан 1975 йилгача бир гуруҳ мутахассислар қаторида қўшни давлат — Эронда геофизика муҳандиси лавозимида ишладим. Ёлғиз мен Ўзбекистондан бўлганлигим учун у ердаги одамлар шахсимга қаттиқ қизиқишарди. Кўпинча мендан «Сизда қайси тил давлат тили?» ёки «Нега ватанимиз пойтахти Москва дейсизлар?» қабилидаги саволлар билан мени ноқулай аҳволга қўйишарди. Ўшанда қалбимда қандайдир камситишга яқин туйғуни сезганман. Нега Ўзбекистон Европадаги марказга бўйсунишиш керак, деган фикр хаёлимдан ўтган.

Мана, жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликнинг муҳим кўриниши — миллий валютасига ҳам эришди. Мен бу ислоҳотни юртимиздан четга чиқиб, мусофирчилик нима эканлигини сезмаган одамларга қараганда бошқачароқ сезаман. Қани энди ўша Эрондаги одамлар билан учрашсаму, уларга ифтихор ила «Биз мустақилмиз, мамлакатимиз пойтахти Тошкенти азим, буюк Навоий тили давлат мақомини олган, ўзаро муомала пулимиз — ўзбекнинг сўми дегим келади. Хорижда ишлаб юрган пайтларимда «ВЭФ» радиоприёмниги мурватини бураб, ўзим тушунмайдиган тўлқинлар ичидан Тошкент радиоси овозини топиб олганимда, ўзбекча сўз жаранглаганда вужудим электр токи урганда жимирлаб кетарди. Шу маънода ер юзининг бошқа элатларида ўзбек сўми кўзингизга тушса гўё юрт байроғини кўргандай ҳаяжон босса керак.

Ишончим комилки, кўп ўтмай дунёнинг турли бурчакларида банк идораларига кирсангиз доллар, фунт стерлинг, марка, рупия, рубль каби пул бирликлари қаторида ўзбек сўми ёзилган сатрлар ҳам бўлади. Бу сўм ҳорижда серқуёш Ўзбекистоннинг ташрифномаси бўлади десак янглишмаймиз. Негаки, узоқни кўрабиладиган раҳбарларимиз ана шу валютани жорий этдилар. Ҳали ўзбек сўми билан янгиянги марраларни забт этамиз. Бунга ишончим комил!

Қудрат БОБОЖОНОВ,
Зангиота туманидаги Эшонгузар қўрғони.

Узоқ юргач бир пас тин сақлаб, ортига қарайди йўловчи. Ҳали замон ўтгани — ўнқир-чўқурликларга термулади. Умрдаям шундай. Киши маълум ёшга етса бир зум хотираларини эсга олади. Нималарга улгурган, улгурмаганини ҳисоб-китоб қилади. Ўзидан из қолаётганини чоғлайди. 1970 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик куллиётини тамомлаб, Термиз шаҳар прокуратурасида терговчиликдан иш бошлаган, сўнг Қашқадарёнинг қатор ҳуқуқ органларида хизмат қилган Рўзиқул Орзиқулов ҳам бир зум ортига қарайди. Эллик йиллик умрини сарҳисоблаб, ўтган кунларини бир-бирига чоғиштиради.

• Ҳуқуқшунослар ҳақида ҳикоялар

УМР МАНЗИЛЛАРИ

— Кўпинча шогирдларингга қараб сенга баҳо берадилар. Шу нуқтаи назардан қаралса, Рўзиқул Орзиқуловнинг шогирдлари ҳуқуқий билимдонлиги билан фарқланади. Улардан ўнлаби суд, прокуратура органларида ишлаяпти.— дейди Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи муовини Бобомурод Анваров.— Рўзиқул ака бир сўзли ҳуқуқшунос. У қаерда ишлаган бўлса, ўша ерда қонун устиворлигига эришган. Унинг қўл остидан ҳамиша тажрибали ҳуқуқшунос етишиб чиққан. У ҳақиқий устоз. Шу боис обрўйи катта.

Ўзинг ҳақингда илиқ гапларни эшитиш барибир мароқли. Негаки, инсон бир оғиз ширин каломга илҳақ бўлиб яшайди. Рўзиқул Орзиқулов умрининг 24 йилини ҳуқуқшуносликка бағишлади. Қаерда, қайси лавозимда ишламасин қонунга суянди. Пишиқ-пухта ишлади. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилди.

Вилоят прокурорининг ёрдамчиси Алишер Дўлатов бу ҳақда шундай дейди:

— Олий ўқув юртини энди битириб келган кезларим эди. Мени Муборакка юборишди. Рўзиқул Орзиқулов прокурор экан. Ёрдамчи бўлиб бордим. Ўша куниёқ судга қатнаштирдилар. Амалиётни қаёқдан билардим. Довдираб қолдим. Иккинчи, учинчи куни ўзимни қўлга олдим. Шу менга катта мактаб бўлди. Яна бир гап. Нечта «дело»га иштирок қилсам, ҳаммасидан маъруза тайёрлатарди Рўзиқул ака. Ўша пайтлари бу ғашимга тегарди. Ижирғанардим. Ухламаган оқшомларим кўп бўлган. Кейин терговчиликка ўтказдилар. Қийналган кунларим фойдасини тушуниб етдим.

Ҳаммаям чин маънодаги ҳуқуқшунос бўлолмайди. Ундайларга худонинг атагани бор. Чинни ёлғондан, яхшини ёмондан, гуноҳсизни гуноҳкордан, ҳокисорни жиноятчидан фарқлашнинг ўзи бўладими? Йўқда.

...Кўкдала туман прокурори бўлиб ишлаган кезлари эди. Рўзиқул аканинг. 1984 йил январи. Бир шахсни ўн даражали совуқда ўлдириб, йўл четига ташлаб кетишган. Яланғоч ҳолатда. Воқеа ўша вақтдаги Ворошилов номли давлат хўжалиги марказида рўй берган.

— Соат олтилар чамаси воқеа содир бўлган жойга бордик,— дея хотирлайди Р. Орзиқулов.— Мурда музлаб ётибди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Д. Самадов билан дарров унинг шахсини аниқладик. Тушга яқин вилоят прокурорининг тергов бўлими бошлиғи Б. Анваров, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини К. Маҳмараҳимов билан жиноятни очишга киришдик. Ўша оқшом қишлоқда катта тўй бўлган. Меҳмонларга исталганча ароқ тортилган. Тўйга келганларни сўраб-суриштирдик. 300 нафардан ортиқ киши қатнашган экан. Бирма-бир сўроқ қилдик. Охири шубҳали бўлиб кўринган 15 нафар йигитни кечкурун соат 3 да олиб келишди. Уларнинг бировига қарасам спорт формасини кийиб олган. Эгнида пиджама.

— Нега енгил кийиниб олдинг, совуқ эмасми?— сўрадим ундан. У кўзини олиб қочди. Қўллари қалтирарди. Зўрға тили калимага келди.

— Кийимларимни онам ювганди.

Дарров уйига одам юбордик. Ҳеч қанақанги кийими ҳам ювилмаган. Қотил ўша йигит бўлиб чиқди.

Синчковлик, тезда фикрлай билиш, зийраклик ҳуқуқшуноснинг энг зарур ҳислатларидандир. Бировга сезилмаган, кўрилмаган ашёвий далилларни ҳақиқий ҳуқуқшуносгина англай олади.

— Биз Рўзиқул ака билан бирга ишлашганмиз,— дейди вилоят ички ишлар органларида тергов ва суриштирув устидан назорат бўлими бошлиғи Абдурахмон Қаҳҳорзода.— 1984 йил 5 декабрида Муборак туманлараро прокуратурасига бош терговчи бўлиб бордим. Рўзиқул ака тергов сирлари, гумондорлар билан қандай муносабатда бўлиш, қонунга суяниш йўлларини ўргатди. Энг оғир жиноят содир этилганида у одам воқеа бўлган жойга ўзи борарди. Иш очилмагунча ухламасди.

Эсимдан чиқмайди. Игорь Салоҳиддинов акаси билан жанжаллашиб қолади. Жаҳл устида туғишганини бир уриб ўлдиради. Борсак уйидагиларнинг ҳаммаси йиғлаб ўтирибди Игорь ҳам. Мен воқеа жойини текширдим. Шубҳаланадиган бирон-бир из йўқ. Рўзиқул ака ҳам бордилар. У кишига билганларимни айтиб бердим. Шунда устоз у ёқ-бу ёқни зимдан кузатди-да мурда ётган томондаги деворга эътиборни қаратди.

— Кўряпсанми, деворда бир дона соч ёпишиб қолган. У кимники эканлигини дарров аниқла.

У шундай дедида марҳумнинг укасини айвончага бошлаб кетди. Узоғи билан беш минут суҳбатлашишди. Ўша ердаёқ укаси айбини тан олди.

Умуман олганда, Рўзиқул Орзиқулов айблаш фикрини ёзаманми, қарор ёзаманми, қайта-қайта кўчиришга даъват этарди. Талаб қиларди.

Оддий кун, оддий умр ўтиб кетаверади. Баъзида изли, баъзида изсиз. Аммо суд, милиция, прокуратура ходимларига куннинг оддийи йўқ. Ҳар дақиқада бирон-бир сир-синоатга дуч келишади. 1980 йил эди, 11 марта ёпилган жиноий ишни очиш Рўзиқул Орзиқуловга юклатилади. У ўша пайтда вилоят прокуратурасида бош терговчи эди. А. Пельшенинг назоратида бўлган бу иш нотўғри бекор қилинганлиги сабабли республика прокурорининг ҳам диққат марказида эди. Ўлим билан тугаган бу фожеа анча йилдан кейин Р. Орзиқуловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли очилди. Ана шу хизмати эвазига у 3-даражали ҳуқуқшуносликдан 1-даражали ҳуқуқшунос унвонига кўтарилди. Тилла соат тақдим этилди.

Адлия маслаҳатчиси, вилоят прокурорининг жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги устидан назорати бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаётган Рўзиқур Орзиқуловнинг ҳуқуқшунослик йўлидаги кўрганбилганлари жуда кўп. Унинг ҳали ниятлари, амалга ошмаган мақсадлари унданда кўп. Билимдон ҳуқуқшунос бир парсадан хотиржам.

Унинг изидан зукко шогирдлари Х. Ҳолиқов, А. Каримов, А. Содиқов, Б. Ҳасанов, Э. Жўраевлар изма-из келишяпти. Рўзиқул аканинг 9 фарзанди, 7 нафар невараси бор. «От ўрнини той босар», деганларидек ўғли Сирожиддин ҳам ота изидан бориш ниятида. У ҳозир Тошкент ҳуқуқшунослик институтининг бешинчи курсида таҳсил кўрмоқда.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгийўл шаҳридаги барча қулайликларга эга, 2 қаватли, 4 сотих ери бор планли уй

СОТИЛАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳ: Янгийўл шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси 35, соат 15.00 дан кейин.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.





BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зараралидир!

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар «Кафолат» си корхонанинг собиқ директор техник савдо маркази жамоа- тори

Маҳмуд Ҳасанович АЛИЕВнинг вафот этганлигини қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанпарвар ва миллатпарвар

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, зълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди—20.00 1 2 3 4 5 6.